

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019. К/В.37.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**НАЗАРОВ ҒОЛИБ АБДИШУКУР ЎҒЛИ**

**САФИНОЛНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ВА АНТИКОАГУЛЯНТ  
ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ, СУБСТАНЦИЯ ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ОПТИМАЛЛАШ ВА ЯНГИ ДОРИ ШАКЛИНИ  
ЯРАТИШ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент 2024**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on chemical sciences**

**Назаров Голиб Абдишукур ўғли.**

Сафинолнинг физик-кимёвий ва антикоагулянт  
хоссаларини ўрганиш, субстанция олиш  
технологиясини оптималлаш ва янги дори шаклини яратиш..... 3

**Назаров Голиб Абдишукур угли**

Изучение физико-химических и антикоагулянтных  
свойств сафинола, оптимизация технологии  
производства субстанции и создание новой  
лекарственной формы ..... 21

**Nazarov Golib Abdishukur ugli**

Study on physicochemical and anticoagulant  
properties of safinol, optimization production technology  
of substance and creation of a new dosage form..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В/37.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**НАЗАРОВ ҒОЛИБ АБДИШУКУР ЎҒЛИ**

**САФИНОЛНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ВА АНТИКОАГУЛЯНТ  
ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ, СУБСТАНЦИЯ ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ОПТИМАЛЛАШ ВА ЯНГИ ДОРИ ШАКЛИНИ  
ЯРАТИШ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2024**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида (B2019.3. PhD/K243) B2022.3. PhD/K243 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Салихов Шавкат Исмаилович**  
биология фанлари доктори, академик.

**Расмий оппонентлар:**

**Гафуров Махмуджон Бакиевич**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Бобаев Исомиддин Давронович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019. К/В.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 71-262-35-40, факс: (99871) 262-70-63.

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83.Тел.: 71-262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: [shsha@mail.ru](mailto:shsha@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2024 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**А.С. Тураев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раисининг ўринбосари, к.ф.д., академик

**Н.Р. Хашимова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.д. к.и.х.

**М.Б. Гафуров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д. профессор

## **Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда тромбоземболик касалликларнинг олдини олиш ва даволашда антикоагулянтлар кенг қўлланилади ҳамда юқори самарали таъсирга эга антикоагулянт дори воситаларини яратиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳозирда амалий тиббиётда осон сўриладиган, тромбоземболия касалликларига қарши қўлланилувчи, йўналтирилган таъсирга эга, организмга ножўя таъсири кам бўлган, таъсир даври узайтирилган ва самарали таъсир кўрсатувчи янги авлод дори воситаларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунёда тромбоземболия натижасида ривожланадиган, кенг тарқалган касалликлар: бош мия ишемик инсульти, миокард инфаркти, ўпка эмболияси, қўл-оёқларнинг вена томирлари чуқур тромбози каби оғир асоратли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш учун кимётерапевтик дори воситаларининг терапевтик хоссалари яхшиланган, уларнинг организмга ножўя таъсири камайтирилган, таъсир давомийлиги узайтирилган антикоагулянт дори воситалари ишлаб чиқиш борасида кенг кўламда илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада антикоагулянт фаоллиги юқори бўлган дори воситаларини яратиш усулларини ишлаб чиқиш, терапевтик таъсир механизмларини аниқлаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришнинг саноат технологияларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда маҳаллий хом-ашёлар асосида янги, самарали, импорт ўрнини босувчи доривор препаратлар ишлаб чиқишга ва аҳолини сифатли дори-дармонлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда ҳамда илмий ҳажмдор тадқиқотлар олиб бориш ва маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> ва 2030 йилгача фанни ривожлантириш концепциясида<sup>2</sup> «...фармацевтика соҳасида ишлаб чиқаришни ошириш...» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, маҳаллий антикоагулянт хусусиятга эга биологик фаол субстанцияларни синтез қилиш, физик – кимёвий таҳлилларини амалга ошириш, олинган субстанциялар асосида турли дори шакллари яратиш, ҳамда улардан тиббиёт амалиётида қўллаш учун биологик фаолликлари ва фармакологик хусусиятларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармони.

2017 йил, 7 ноябрдаги ПФ-5229 сонли «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532 сонли «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805 сонли «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифати ва фан самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация ишида олиб борилган тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти VI «Тиббиёт ва фармакология» Республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Антикоагулянт таъсирга эга бўлган дори воситаларини тадқиқ этиш, уларнинг қон қуйилишига қарши биологик фаолликларини ўрганиш борасида хорижлик олимлар томонидан айрим изланишлар олиб борилган. Жумладан, олимлар Horil ва Holf 1918 йилда ҳайвон жигаридан Гепарин моддасини ажратиб олишган. 1936 йилда Бринхауз ва бошқалар гепариннинг антикоагулянт таъсири плазма таркибий қисмларидан бири орқали содир бўлишини аниқлашди, улар бу моддани гепарин кофактори деб аташни тавсия этишди. Орадан ўттиз йил ўтгач, бу анти тромбин III, тромбин ва Ха омилини тезда инактивация қиладиган плазма оксиди эканлиги маълум бўлди. Билвосита таъсир қилувчи антикоагулянтлар орасида Варфарин алоҳида ўринга эга. Варфарин XX асрнинг 50 йиллари бошларида клиник амалиётга киритилган, варфарин тиббиётда қўлланишига қараб, АҚШ ва Европа аҳолисининг катта қисмини даволашда кенг миқёсида қўлланиладиган антикоагулянт дори воситаси ҳисобланади. Карл Линк 1948 йилда антикоагулянтларни излашга доир тадқиқотлари натижасида варфаринни синтез қилди ва 1951 йилда варфаринни тиббий мақсадларда қўллаш бўйича биринчи тажрибалар бошланди ҳамда 1954 йилдан бошлаб препаратга клиник амалиётда фойдаланишга рухсат этилди. Варфариннинг таъсир қилиш механизми препарат топилганидан атиги 30 йил ўтгач, тўлиқ очиб берилган. Бир неча ўн йиллар давомида варфарин хорижий клиник амалиётда тромбознинг олдини олиш ва даволаш учун ишлатиладиган асосий антикоагулянт бўлиб хизмат қилди.

МДХ мамлакатларида И.Н.Бокарев ҳамда унинг шогиртлари томонидан ацетилсалицил кислотасининг эрувчан шакли Аспелизинни парентерал юбориш учун қўллаш имконияти ва диабет билан оғриган беморларда сурункали томир ичидаги микрокоагуляцияни даволаш учун тиклопедин, тиклиднинг атсетилсалитсил кислотаси билан бирикмаси (тижорий номи Тиклид) билан Диабетон комбинациясининг самарадорлиги бўйича тадқиқотлар ўтказилган.

Мамлакатимизда ЎзР ФА акад. О.С. Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти ходимлари томонидан ишлаб чиқарилган Сафинол субстанцияси профессорлар Ю.С.Суханов, Г.Т.Черненко, илмий ходим Е.П. Мельниковалар томонидан антикоагулянт таъсирга эга эканлиги аниқланган, М.А.Худойбердиев, Ф.И.Ибрагимов, Л.Л.Калинская, Ш.И.Салиховлар томонидан «Қон антикоагулянти сифатида қўллаш ва уни олиш усули» номли ихтиро патенти олинган [UZ IAP 02452]. Ушбу олимлар томонидан антикоагулянт таъсирга эга Сафинол препаратининг субстанциясини синтез қилиш ва ундан дори шакллари яратиш борасида илмий тадқиқотлар амалга оширилган ҳамда Сафинолдан тиббиёт амалиётида антикоагулянт дори восита сифатида қўллаш бўйича махсус гувоҳнома расмийлаштирилган.

Сафинол субстанциясини олиш усули ишлаб чиқилган бўлсада, модификациялаш реакциялари ва мақбул реакция шароитлари етарлича ўрганилмаган ва қўшимча изланишлар талаб қилади. Шунинг учун биологик фаол бирикмалар тутган сополимер Сафинол субстанциясини олиш, биологик фаолликларини, физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади, чунки тромбларнинг ўсишини тўхтатишда, веналарнинг тромбофлебитни даволашда, ташқи геморройларни, филиозни, перифлебитни, шиш (жароҳат ва кўкаришларда), шу жумладан мушак тўқималари, бўғимлар, тери ости гематомасининг олдини олиш ва даволашда суртма дори шаклини олиш истиқболли ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Биоорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Табиий келиб чиқиши иммунотроп ва ўсмага қарши бирикмаларни аниқлаш ва структуравий-функционал тадқиқотлар» йўналиши бўйича (2021-2023 йй) илмий-тадқиқот ишларининг доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** фармакологик хусусиятлари яхшиланган Сафинол препаратининг янги дори шаклини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Сафинол субстанциясини синтез қилишнинг мақбул шароитларини танлаш;

субстанцияни тозалаш ва физик-кимёвий ҳамда спектрал хусусиятларини ўрганиш;

Сафинол субстанциясини стандартлаш ва меъёрий-техник ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Сафинол субстанцияси асосида ташқи қўлланиладиган юмшоқ дори шаклини ишлаб чиқиш;

Сафинол субстанцияси ва олинган дори шаклининг антикоагулянт хусусиятини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида салицил кислота, формалин ва  $\epsilon$ -аминоэнант кислоталари асосида олинган сополимер Сафинол субстанцияси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Сафинол субстанцияси асосида антикоагулянт суртма дори шаклини олиш ҳамда унинг физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишини бажаришда кимёвий (кислота гидролизи), физик-кимёвий (UV, IQ), хроматографик (HPLC), ҳамда фармако-токсикологик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк маротаба Сафинол синтезида эритувчининг қайнаш ҳарорати (100°C), рН муҳит 1 бўлган реакцияда, шунингдек, жараён даврининг узайтирилиши ҳисобига маҳсулот унуми 10% гача орттирилган ҳамда реакция мақбул шароитлари ишлаб чиқилган;

Сафинол субстанцияси ҳосил бўлишида кимёвий синтез механизмининг орто ва пара ҳолатлардаги реакция фаолликлари аниқланган;

илк маротаба ЮССХ ёрдамида Сафинол субстанцияси ва суртма дори шаклининг сифат ва миқдорий таҳлил қилиш усули ишлаб чиқилган;

Сафинол субстанциясининг гидролизланиш кинетикаси рН-2, рН-5,6, рН-7 ва рН-10 қийматларида модданинг гидролизланиш кўрсаткичи спектрал усуллар ёрдамида исботланган;

Сафинол субстанцияси асосида антикоагулянт таъсирга эга бўлган ташқи фойдаланиш учун суртма дори кўринишидаги юмшоқ дозалаш шаклининг оптимал таркиби ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Сафинол субстанцияси олишда реакция жараёнининг айрим кўрсаткичларини ўзгартириш орқали модда синтезининг самарали усули ишлаб чиқилган;

Сафинол субстанцияси ва суртма дори шакллари сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолашда ЮССХ усули ишлаб чиқилган.

Сафинол моддасини бошланғич моддалар билан реакция натижасида ҳосил бўлган моддалар спектрларини солиштиришга асосланган ИҚ спектридаги функционал гуруҳларнинг тебранишлари (валентлик, деформация) натижасида ҳосил бўлган янги боғланишларнинг табиати асосида молекуланинг кимёвий тузилиши ҳақида маълумот берувчи таҳлил қилиш усули (ИҚ спектроскопияси) ишлаб чиқилган;

Сафинол субстанцияси асосида суртма дори шакли тайёрлаш технологияси дори воситалари учун Ўз ДФ-ХІ талабларига мос шаклда ишлаб чиқилган. Сафинол суртмаси учун таркибий қисмлар гепарин суртмасига ўхшаш асослардан танлаб олинган ва таъсир этувчи фаол модда сифатида Сафинол субстанцияси таркибга киритилган ҳамда антикоагулянт суртма дори шакли олинган;

Сафинол препаратининг юмшоқ дори шаклининг клиник олди синовлари амалга оширилган ҳамда веноз томирлар тромбофлебитлари, шикастланишлар ва тери ости гематомаларини олдини олиш ва даволашда қўлланилувчи антикоагулянт суртма дори воситаси олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган ҳосилаларни тадқиқ қилишда замонавий физик-кимёвий ва биологик тадқиқот усулларидан фойдаланилганлиги; тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилганлиги, тажрибалар натижаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тан олинган маҳаллий ва халқаро илмий журналларида чоп этилганлиги билан асосланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Сафинол субстанциясини синтез қилишнинг мақбул шароитларини тадқиқ қилинганлиги, субстанцияни тозалаш ва физик-кимёвий ҳамда спектрал хусусиятлари ўрганилганлиги, субстанциянинг гидролизланиш кинетикаси УВ-спектрал таҳлиллари ёрдамида аниқлангани, Сафинолнинг хроматографик стандартларини ишлаб чиқилгани ва метрологик таҳлил қилинганлиги, Сафинол субстанцияси асосида янги суртма дори воситаси тайёрлаш учун асос моддаларни танлангани, суртма дори воситаси тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқилганлиги, олинган суртманинг физик – кимёвий таҳлилларини амалга оширишда ҳамда Сафинол суртмасининг хроматографик стандартларини ишлаб чиқишда ва таркибий моддалар миқдорини аниқлашга доир тадқиқот натижалари ишончли тарзда кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, замонавий биоорганик усуллар ёрдамида исботланган физик – кимёвий ва фармакологик таҳлил натижалари Сафинол субстанциясини ўзига хос хусусиятлари ва фармакологик хоссаларини очиб беришга, жумладан модданинг бевосита ва билвосита антикоагулянт фаоллиги ҳамда тромбоцитлар агрегацияси ва сонига таъсирини баҳолаш, шунингдек Сафинол суртмасининг ўткир заҳарлилиги, кумулятив хусусиятлари, сурункали заҳарлилиги ҳамда терапевтик таъсирини баҳолаш ҳамда антикоагулянт хусусиятга эга бўлган самарали дори воситалар олиш ва улардан фойдаланишга хизмат килади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сафинолнинг физик-кимёвий ва антикоагулянт хоссаларини аниқлаш, субстанция олиш технологиясини оптималлаш ва янги дори шаклини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қон қуйилишига антикоагулянт таъсир этувчи тери юзасига қўлланиладиган Сафинол суртма дори шакли учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган (№ FAP 01455, 2019 й). Натижада, антикоагулянт хоссага эга суртма дори воситасини серияли ишлаб чиқарилишини ташкил этиш имконияти яратилган;

Сафинол субстанцияси ва суртма дори шаклининг сифат ва миқдорий таҳлилларини амалга ошириш учун ишлаб чиқилган ЮССХ усулидан Хитой Фанлар академияси, Шинжон физика ва кимё-техника институти «International Science and Technology Center Projects» лойиҳасида полимер ва сополимер моддаларнинг миқдорий таҳлилларини амалга оширида фойдаланилган (Хитой Фанлар академияси, Шинжон физика ва кимё-техника институти маълумотномаси). Натижада, мазкур усул саратонга қарши биологик фаол полимер ва сополимер моддаларнинг сифат ва миқдорий ўрганиш ҳамда фаоллик механизмларини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та патент ва Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларни чоп

этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 6 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 119 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш асослари келтирилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Антикоагулянтларнинг синфланиши ва таъсир механизми”** (адабиётлар шарҳи) деб номланган биринчи бобида тромбоэмбологиянинг оғир асоратлари, тиббиёт амалиётида қўлланиладиган тромболитик дори воситалар, антикоагулянтлар ва уларнинг синфланиши, турлари ҳамда таъсир механизмлари ҳақида тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинган. Бундан ташқари мазкур бобда суртма дори воситалари, уларнинг олиниш усуллари ҳамда Сафинол антикоагулянт субстанциясининг тавсифига доир замонавий тадқиқот натижалари батафсил таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Сафинол субстанциясининг синтез жараёнини такомиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобида Сафинол субстанциясини синтез қилишнинг мақбул шароитларини тадқиқ қилиш, субстанцияни тозалаш ва физик-кимёвий ҳамда спектрал хусусиятларини ўрганиш, Сафинол ва салицил кислоталарининг ИҚ-спектрал таҳлиллари, субстанциянинг гидролизланиш кинетикасини УБ-спектрал таҳлиллари ёрдамида ўрганиш, Сафинолнинг хроматографик стандартларини ишлаб чиқиш ва метрологик таҳлил қилиш, Сафинол субстанцияси асосида янги суртма дори воситаси тайёрлаш учун асос моддаларни танлаш, суртма дори воситаси тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш, олинган суртманинг физик – кимёвий таҳлилларини амалга ошириш ҳамда Сафинол суртмасининг хроматографик стандартларини ишлаб чиқиш ва таркибий моддалар миқдорини аниқлашга доир тадқиқот натижалари кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг **“Сафинол субстанцияси ва суртма дори шаклининг фармакологик тадқиқотлари”** деб номланган учинчи бобида субстанциянинг фармакологик хоссаларини ўрганиш, жумладан модданинг бевосита ва билвосита антикоагулянт таъсирини баҳолаш, Сафинолнинг тромбоцитлар агрегациясига ва сонига таъсирини баҳолаш, шунингдек Сафинол суртмасининг ўткир заҳарлилиги, кумулятив хусусиятлари, сурункали заҳарлилиги ҳамда терапевтик таъсирини баҳолаш натижалари келтирилган.


Сафинол антикоагулянт таъсирга эга биофаол модда бўлиб, у салицил кислота, формалин ва  $\epsilon$ -аминоэнант кислота асосида олинган сополимердир.

Ташқи кўриниши оч сариқ рангли, ўзига ҳос хидли, гигроскопик кукун. Сувда яхши эрийди, хлороформ, ацетон ва эфирда деярли эримайди.

Тадқиқотимизнинг дастлабки босқичида Сафинол субстанциясининг синтез жараёнини такомиллаштириш ишларини амалга оширдик.

Сафинолнинг кимёвий синтез қуйида схема асосида амалга оширилди:

### 1-схема



Сафинол субстанцияси олишда асосий камчиликлардан бири бу маҳсулот унумдорлигининг пастлиги ҳамда уни тозалаш жараёнининг бир неча босқичдан иборат эканлигидир.

Сафинол субстанциясининг дастлабки синтез жараёни рН 2 муҳитда, ҳарорат 90°C ва жараён давомийлиги 6 соатни ташкил қилган. Синтез маҳсулотининг унуми 36% ни ташкил қилган.

**Сафинолнинг синтез жараёнини такомиллаштириш.** Тадқиқотларнинг дастлабки босқичида Сафинол олиш жараёнини такомиллаштириш, бу орқали синтез унумини ошириш, субстанцияни тозалашда мақбул концентрацияли эритмаларни танлаш ва технологик жараённи соддалаштириш ишлари амалга оширилди.


Синтез жараёнини такомиллаштириш ва маҳсулот унумини ошириш учун реакция муҳит рН 2 дан рН 1 гача бўлган ҳар бир кўрсаткичда таҳлил қилинди. Олинган натижалар 1-расмда келтирилган:

Олинган натижалар, синтез жараёнида кислотали муҳитнинг ортиб бориши билан маҳсулотнинг унуми ҳам сезиларли даражада ортишини кўрсатди. Сафинолнинг синтезида рН 1,1 муҳит энг самарали бўлиб, ушбу кўрсаткичда синтез унуми дастлабки ҳолатга нисбатан 10 % га ортишини кўрсатди.


Синтезнинг такомиллаштиришга қаратилган яна бир асосий кўрсаткич бу конденсация реакциясининг ҳароратга боғлиқ ўзгаришлари ҳисобланади. Сафинолнинг синтез жараёнида маҳсулот унумини ошириш учун бир неча ҳарорат кўрсаткичлари таҳлил қилинди ва олинган натижалар 2-расмда келтирилган.

Сафинол субстанцияси олишда 6 соатдан 9 соатгача вақт оралиқларида синтез жараёни унумдорлиги таҳлил қилиб борилди ва шу вақтлар давомидаги модданинг унумдорлиги дастлабки икки соатда ортиб бориши ва 8 соатдан сўнг модда миқдори ўзгаришсиз қолиши аниқланди.

Сафинол субстанцияси дастлабки синтез жараёнида модданинг унумдорлиги 36 % ни ташкил қилган, такомиллаштирилган синтез жараёнида унумдорлик 46 % гача орттирилди ва синтезнинг асосланган усули ишлаб чиқилди. Унга кўра, дастлабки синтез жараёнининг ҳароратига (90°C) нисбатан ҳароратнинг ортиши (100°C) натижасида маҳсулот унумдорлиги 36% дан 46% гача ортгани кузатилди.




**1-расм. Синтез жараёни рН кўрсаткичининг маҳсулот унумига таъсири (ҳарорат 100 °С)**



**2-расм. Синтез жараёни ҳароратининг маҳсулот унумига таъсири**

Тадқиқот давомида маҳсулот унумининг реакция ўтиши вақтига боғлиқлиги ҳам ўрганилди, Сафинол субстанцияси олишда 6 соатдан 9 соатгача вақт оралиқларида синтез жараёни унумдорлиги таҳлил қилиб борилди ва шу вақтлар давомидаги модданин унумдорлиги дастлабки икки соатда ортиб бориши ва 8 соатдан сўнг модда миқдори ўзгаришсиз қолиши аниқланди, натижалар 3-расмда келтирилган:



**3-расм. Синтез унумдорлигини вақтга боғлиқ ўзгариши**

Реакция 6–9 соат вақт оралиғида ўтказилганда, маҳсулотнинг унуми дастлабки икки соатда ортиб бориши ва 8 соатдан сўнг модданин миқдори ўзгаришсиз қолиши аниқланди.

Бунда дастлаб 6 соат давомида синтез жараёни амалга оширилганда унинг унуми 36 % га етган, ва кейинги синтез вақтини 8 соатгача узайтирилганда модданин унуми 46 % гача кўтарилган.


Синтез жараёнида оптимал шароитларни танлаш натижасида Сафинол моддасининг унуми бевосита рН, ҳарорат ва реакция давомийлигига боғлиқлиги аниқланди. Оптималланган синтез жараёни рН 1,1 ва 100 °С ҳароратда 8 соат давомида амалга ошириш эканлиги кўрсатилди. Шу билан бирга, тайёр маҳсулотнинг унумдорлиги 10 фоизга ошди.

Тадқиқотлар давомида синтез маҳсулотини тозалаш учун самарали ва қулай усулни танлаш ҳамда эритувчилар концентрациясини ўзгартириш орқали, йўқотишлар миқдорини камайтириш, шунингдек субстанциянинг тозалиқ даражасини ошириш ишлари амалга оширилди.

Ўтказилган тажрибалар этил спирти бу мақсад учун мақбул эритувчи эканлигини кўрсатди. Спиртли эритманин концентрацияси 15 % ни ташкил қилади. Йўқотишлар, эритманин концентрациясига қараб, 15-20% гача

бўлиши мумкин. Такомиллаштирилган синтез жараёни ёрдамида олинган субстанциянинг таркибидаги реакцияга киришмай қолган моддалардан тозалаш жараёнида 15 % ли этил спирти ва 0,2 % ли натрий хлор эритмасининг 1:2 нисбатдаги аралашмасидан фойдаланилди ва бу орқали дастлабки олинган массага нисбатан тозалаш жараёнининг йўқотиш миқдори ўртача 15 % ни ташкил этиши аниқланди. Бунда 100 гр моддани тозалагандан кейин унинг массаси ўртача  $85 \pm 1$  гр ни ташкил қилди.

**Сафинолнинг ИҚ-спектр таҳлили.** Кейинги тадқиқотларда ИҚ спектроскопиясидан фойдаланган ҳолда такомиллаштирилган технология ёрдамида олинган Сафинол субстанциясини (4-расм) эски технология билан олинган субстанция билан солиштирма таҳлили ўтказилди.



**4-расм. Сафинол субстанциясининг ИҚ спектри. Сафинол-1. мавжуд технология асосида олинган субстанция, Сафинол-2 такомиллаштирилган синтез жараёнида олинган субстанция**

Сафинолнинг ИҚ-спектр натижаларига кўра ўрганилган ҳар икки субстанция намуналарида қайд қилинган ютилиш соҳалари олинган моддаларнинг бир-биридан фарқ қилмаслигини кўрсатди. Субстанция таркибида, гидроксил гуруҳларнинг валент тебранишлари 3383 ва 2914  $\text{см}^{-1}$  лар оралиғида кузатилади. Бу ютилиш максимумлари бирмунча кенглиги билан бошқа ютилиш максимумларидан ажралиб туради. Бундан ташқари ушбу соҳада  $\text{NH}_2$ -гуруҳларига тегишли валент тебраниш ютилиш максимумлари ҳам кузатилган.


ИҚ-спектрда  $\text{C}=\text{O}$  гуруҳларининг деформацион тебраниш ютилиш максимумлари 1612-1608  $\text{см}^{-1}$  да,  $\text{COONa}$  гуруҳларига тегишли ютилиш максимумлари 1558  $\text{см}^{-1}$  да кузатилган. 1440  $\text{см}^{-1}$  да метилен гуруҳлари ( $=\text{CH}_2$ ) га тегишли деформацион ютилиш максимумлари интенсив холатда намоён бўлган. Сафинол молекуласи таркибидаги N-C боғларига тегишли ютилиш максимумлари 1134-1026  $\text{см}^{-1}$  ларда ўртача интенсивлик билан кузатилган.

Бундан ташқари бармоқ изи соҳасида 808-742 ва 669  $\text{см}^{-1}$  тўрт алмашган бензол хосилаларига тегишли бўлган ютилиш максимумларини кузатилганлиги Сафинол субстанциясининг тузилиши ҳақида хулоса қилишга имкон беради.

Модданинг барқарорлигини аниқлаш учун рН 2 ва рН 10 оралиғидаги эритмаларда Сафинол моддасининг қиёсий барқарорлиги салитцил кислотаси билан солиштириб ўрганилди. Маълумки, сополимерларнинг гидролизланишининг бошланғич тезлиги ва чегараланиш даражаси кўп жиҳатдан мономер таркибига ва сополимернинг кимёвий таркибидаги функционал гуруҳларга боғлиқ.

Сафинол субстанцияси УБ-спектрида салицил кислотасига оид характерли бўлган ютилиш максимумлари қисман силжиган ҳолда (гипсохром) сақланиб қолган, маълумки салицил кислотасида ушбу ютилиш максимумлари  $\pi \rightarrow \pi^*$  ва  $n \rightarrow \pi^*$  электрон ўтишлар натижасида юзага келган.

Салицил кислотанинг УБ-спектрида 308 нмда  $A=0,421$  ва 234 нмда  $A=1,099$  максимумлар кузатилди. Сафинол субстанцияси ва салицил кислотанинг спектрлари қиёсий ўрганиш шуни кўрсатадики, салицил кислотасига нисбатан Сафинол субстанциясида ютилиш максимум қиймати 10-15 нм га гипсохром силжиши салицил кислотаси таркибига электронодор гуруҳ киритилганлигидан, яъни янги маҳсулот Сафинол ҳосил бўлганлигини тасдиқловчи асосий омил бўлиб хизмат қилади.




**5-расм. Сафинол субстанцияси ва салицил кислотанинг УБ-спектри**


Сафинол гидролизининг кинетикасини баҳолаш учун турли рН қийматлари бўлган эритмаларда модданинг гидролизланиш даражаси ўрганилди. Гидролиз жараёни адабиётда келтирилган кислотали, нейтрал ва ишқорий муҳитда сополимер моддаларни гидролизлаш усуллари билан олиб борилди, бунинг учун универсал буфер эритмаси (0,04 М фосфат, сирка ва борат кислоталар эритмаси ва 0,2 н NaOH) қўлланилган. Гидролиз жараёни рН 2, рН 5, рН 7 ва рН 10 да амалга оширилди. Эритмалар 0, 60, 120 ва 180 дақиқа вақт оралиғида ўрганилди.

Сафинолнинг рН 2 муҳитли буфер эритмасида  $\lambda$  308 нм да дастлаб оптик зичлик  $A=0,813$  ни ташкил этган бўлса, 180 дақиқадан кейин максимумлар  $A=0,583$  гача пасайиши кузатилди, интенсивлиги вақтга боғлиқ ҳолда пасайиши, ушбу рН муҳитида 180 дақиқадан кейин ҳам кўрсаткичлар ўзгаришсиз қолди (6-расм). рН муҳити 2 бўлган буфер аралашмада олиб борилган гидролиз натижаларидан шу маълум бўладики, Сафинол субстанцияси кислотали муҳитга нисбатан таъсирчан бўлиб, вақт бирлиги ортиши билан гидролизланиш ортиб боради.

рН 5,6 бўлган буфер аралашмада гидролиз натижасида (7-расм) 308 нм да Сафинолнинг бошланғич интенсивлиги  $A=0,816$  ни ташкил этди ва 180 дақиқадан сўнг максимал  $A=0,823$  га ўзгарди. Ушбу рН муҳитида Сафинол моддасининг интенсивлик кўрсаткичи вақт ўтиши билан деярли ўзгармаслиги аниқланди. Натижаларга кўра, рН 5,6 да Сафинол модданинг гидролизланиши кузатилмаслиги аниқланди.



**6-расм. Субстанциянинг рН 2 кўрсаткичида гидролизланиш спектр натижалари ва интенсивликнинг вақтга боғлиқлиги эгри чизиғи**




**7-расм. Субстанциянинг рН 5,6 кўрсаткичида гидролизланиш спектр натижалари ва интенсивликнинг вақтга боғлиқлиги эгри чизиғи**


рН 7 буфер аралашмада ўтказилган тадқиқотларга кўра Сафинол субстанциясининг нейтрал рН муҳитига нисбатан таъсирчанлиги дастлабки олинган натижаларга нисбатан 180 дақиқадан кейин оз миқдорда интенсивлигининг пасайиши аниқланди. рН муҳити 7 бўлган эритма  $\lambda$  308 нм да дастлаб оптик зичлик  $A$ - 0,801 ни ташкил этган бўлса, 180 дақиқадан кейин максимумлар  $A$ -0,742 гача ўзгаришга учраганлиги кузатилади (8-расм). Сафинол субстанциясининг ушбу рН муҳитидаги оптик зичлиги вақтга боғлиқ ҳолда деярли ўзгармаслиги ва кам миқдорда гидролизланиши аниқланди.

рН 10 бўлган буфер аралашмада олиб борилган гидролиз натижаларига кўра Сафинол субстанцияси ишқорий муҳитга нисбатан юқори таъсирчанлик намоён этди, вақт бирлиги ортиши билан гидролизланиш даражаси ҳам ортиб борди. Сафинолнинг рН-10 муҳитли эритмаси  $\lambda$  308 нм да дастлабки вақт оралиғида интенсивлик кўрсаткичи  $A$ -0,959 ни ташкил этган бўлса, 180 дақиқадан кейин максимумлар  $A$ -0,696 гача пасайиши кузатилади (9-расм), интенсивлик кўрсаткичи вақтга боғлиқ ҳолда пасайиши, ушбу рН муҳитида 180 дақиқадан кейин ҳам кўрсаткичлар ўзгаришсиз қолиши аниқланди.

Шундай қилиб, муҳит рН кўрсаткичи 10 бўлганда Сафинолнинг ишқорий гидролизланиши кузатилади. Сафинол рН 7 ва ундан пастроқ, яъни кислотали муҳитга (рН 5,6) чидамли бўлиб, кислоталилик ортиши билан (рН 2 да) гидролиз кузатилади.



**8-расм. Субстанциянинг рН 7,0 кўрсаткичида гидролизланиш спектр натижалари ва интенсивликнинг вақтга боғлиқлиги эгри чизиғи**




**9-расм. Субстанциянинг рН 10 кўрсаткичида гидролизланиш спектр натижалари ва интенсивликнинг вақтга боғлиқлиги эгри чизиғи**

Тадқиқотнинг кейинги босқичида Сафинол субстанциясини сифат ва миқдорий таҳлил учун адабиётларда кенг қўлланиладиган замонавий физик-кимёвий усуллардан бўлган ЮССХ усулидан фойдаланилди.

**Сафинол субстанциясининг хроматографик таҳлили (ЮССХ)** HPLC Agilent Technologies компаниясининг 1200 серияли хроматографи ёрдамида амалга оширилди. Тўлқин узунлиги 254 нм, элюент оқими изократик усулда амалга оширилди. Дастлабки таҳлил натижаларига кўра, Сафинолнинг колонкада ушланиш вақти 17-18 дақиқалар оралиғида эканлиги аниқланди.

Шунингдек, субстанция таркибида асосий модда Сафинолнинг миқдори  $71,38 \pm 2,84$  % ташкил қилиши аниқланди.

Таҳлил 5 қайта амалга оширилди ва хроматограммада четланишлар кузатилмаганлиги сабабли, ушбу хроматограмма Сафинол субстанциясини стандарти сифатида қабул қилинди ва кейинги стандартлаш жараёнларида фойдаланилди.



**10-расм. Сафинолнинг ЮССХ хроматограммаси**

**1-жадвал**  
**Сафинолни миқдорий аниқлаш усулининг метрологик тавсифи**

№	Модда-нинг серияси	Субстанция таркибидаги Сафинол миқдори %	Метрологик характеристикаси
1	02.10.2019	72,3	$f=4$ $S_x=0,7$ $S=1,58$ $\bar{X}_{\text{ўр}}=71,38$ $\Delta X=2,84$ $\epsilon_{\text{ўр}}=3,99 \%, P=0,01$
2	10.10.2019	71,1	
3	21.10.2019	70,9	
4	15.11.2019	73,4	
5	20.12.2019	69,2	

Сафинолни сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолашда ЮССХ усулидан фойдаланиш аниқ ва самарали натижалар бериши кўрсатилди. Ушбу ишлаб чиқилган усулдан келажакда Сафинолнинг дори шакллари стандартлашда фойдаланиш имкониятлари очиб берилди.

**Суртма дори шакли таркибини ишлаб чиқиш.** Тадқиқотларнинг кейинги босқичида, тозалаб олинган Сафинол субстанцияси асосида антикоагулянт хусусиятга эга бўлган суртма дори шаклининг муайян таркиби ҳамда технологиясини ишлаб чиқиш вазифалари бажарилди. Сафинол суртмасини тайёрлаш учун дифил асослар гуруҳига мансуб №-1 эмулгатордан фойдаланилди. Суртма дори шакли таркибини ишлаб чиқиш учун анестезин (оғриқ қолдирувчи), бензилникотинат (резорбтивликни оширувчи) Сафинол (асосий таъсир этувчи модда) ҳамда сув, кунгабоқар мойи, тиббий вазелин, глицерин (тўлдирувчи) ва нипагин, нипазол (консервант) каби компонентлардан фойдаланилди.

Ужорида келтирилган компонентлардан фойдаланиб, уларнинг таркибдаги миқдорлари турлича бўлган, суртма дори шаклининг 5 хил намунаси тайёрланди (2-жадвал).


2-жадвал

**Турли таркибдаги антикоагулянт суртма намуналари**

Компонентлар	Миқдор				
	1	2	3	4	5
Сафинол субстанция, г ВФС 42 У3-2793-2015	0,160	0,165	0,170	0,175	0,200
Анестезин, г (ФС 42-3024-00)	2,0	2,5	3,0	3,5	4,0
Бензилникотинат, г (ФС 42-2160-84)	0,04	0,08	0,08	0,08	0,1
Дистилланган глицерин, мл. (ГОСТ 6824-96)	8,0	8,8	9,7	11,2	12,0
Тиббий вазелин, г (ФС 42-2456-97)	4,0	4,005	5,0	5,0	5,9
Косметик стеарин, г (ТУ 10-04-02-83-91)	2,0	2,1	2,2	3,0	3,5
Кунгабоқар мойи (тозаланган, г (ГОСТ 8808-))	3,5	4,0	4,0	5,0	5,5
Эмульгатор № 1, г (натрий лаурил сульфат) (ФС 42-3821-99)	5,0	5,5	5,5	6,5	8,0
Нипагин, г (ФС 42-1460-89,ND 42-7043-97)	0,15	0,2	0,2	0,3	0,4
Нипазол, г (ВФС 42-2079-91)	0,15	0,15	0,15	0,25	0,40
Тозаланган сув, 100 мл (ФС 42-269-97)	75	72.5	70	65	60
Умумий	100 г	100 г	100 г	100 г	100 г

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида специфик фаоллиги, реологик хусусиятлари ва айрим физик кимёвий кўрсаткичларига кўра 3-ракамли таркиб энг мақбул эканлиги аниқланди ва келгусидаги клиник олди тажрибалар шу таркибли Сафинол суртмаси асосида ўтказилди. Олинган антикоагулянт Сафинол суртмасининг барча физик – кимёвий хусусиятлари ижобий эканлиги ва дори воситалари учун ДФ XI талабларига тўла мос келиши аниқланди.

**Сафинол суртмасининг миқдорий таҳлили.** Суртма дори воситаси таркибидаги компонентларнинг миқдорий таҳлил этишда субстанция учун ишлаб чиқилган ЮССХ усулидан фойдаланилди. Олинган хроматограмма куйидаги 11-расмда келтирилган.



11-расм. Сафинолнинг ЮССХ хроматограммаси

3-жадвал

Сафинол суртмаси таркибини миқдорий аниқлаш усулининг метрологик тавсифи

№	Модданинг серияси	Анестезин	Сафинол	Бензил-никотинат
		Миқдорлар (%)		
1	02.09.2020	2,7	0,155	0,075
2	11.10.2020	2,68	0,153	0,072
3	21.11.2020	2,64	0,153	0,076
4	14.12.2020	2,66	0,151	0,076
5	07.01.2021	2,67	0,152	0,075
	Метрологик хараكتеристикаси	f=4 S <sub>x</sub> =0,007 S=0,015 X <sub>ўр</sub> =2,66 ΔX=0,027	f=4 S <sub>x</sub> =0,001 S=0,001 X <sub>ўр</sub> =0,153 3	f=4 S <sub>x</sub> =0,001 S=0,002 X <sub>ўр</sub> =0,075 ΔX=0,003

Намуна натижалари стандартларга таққослаб ўрганилди. Хроматограммадан кўриниб турибдики Сафинол колонкадан 17-18 дақиқалар оралиғида симметрик чўкки кўринишида ажралиб чиқади. Анестезин эса 13-14 дақиқалар оралиғида юқори интенсивликда намоён бўлиши кўрсатилди.

Миқдорий таҳлилга кўра, 100 гр намуна таркибида ўртача 2,66 % анестезин, 0,153 % Сафинол ва 0,075 % бензилникотинат мавжуд эканлиги аниқланди. Олинган натижалар суртма дори воситалари учун ДФ XI талабларида кўрсатилган миқдорий йўқотишларнинг чегаралар оралиғига (10-15 %) мос келиши аниқланди.

**Сафинолнинг билвосита антикоагулянт таъсирини баҳолаш** учун модданинг қон плазмаси гемостаз жараёнига таъсир қилиш механизмини ўрганиш, ҳайвонларга (қуёнларга) қўлланганда Сафинолнинг антикоагулянт фаоллигини ўрганиш, модданинг энг самарали дозасини аниқлаш, антикоагулянт таъсирнинг бошланиши ва жараённинг даврийлигини аниқлаш ишлари амалга оширилди. Сафинолнинг билвосита антикоагулянт таъсирини баҳолаш учун Гепарин препаратининг антикоагулянт таъсири билан таққослаб ўрганилди. Гепариннинг 130 ЕД/кг дозада бир марта томир ичига юбориш 15 дақиқада аниқ гипокоагуляцияга олиб келади ва тромбопластин вақтини 3-4 баробарга оширади. Юқори гипокоагуляция даражаси 60 дақиқадан кейин ҳам сақланиб қолади, 120 дақиқадан бошлаб у пасаяди ва 180-240 дақиқада бошланғич ҳолатга яқинлашиши аниқланган.

#### 4-жадвал

### Қуёнларда Гепарин билан Сафинолнинг томир ичига қўлланганда коагулограмма кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Тадқиқот вақти, мин						
	Бошланғич	15	30	60	120	180	240
Гепарин, дозаси 5 мг/кг							
ПТ, сек	12±1,0	>300	48±3,3 +300% *p=0.000 14	32±2,5 +167% *p=0.00 07	28,8±2,0 +140% *p=0.000 66	24±2,1 +100% *p=0.00 36	20,0±1,6 +66,7% *p=0.0 159
ҚФТВ, сек	25±1,6	>300	84±6,4 +236% *p=0.00029	37±2,8 +48% *p=0.0137	25±1,6	25±1,6	20±1,5
Сафинол, дозаси 5 мг/кг							
ПТ, сек	12,3±1,0	12,3±1,0	11,7±0,3	11,1±1,2	11,3±1,0	11,5±1,0	11,7±0,2
ҚФТВ, сек	36,3±2,8	88,7±5,6 +144% p<0.001	44,4±3,4 +22,3% p=0.125	44,6±3,0 +23% p=0.099	46,9±2,6 +29,2% *p=0.04	42,3±3,6	37,8±2,6
Сафинол, дозаси 10 мг/кг							
ПТ, сек	12,4±1,8	12,9±1,0	85,8±7,2 +592% *p=0.00018	14,2±1,1 +14,5% p=0.43247	12,8±20	13,0±1,2	11,7±1,0
ҚФТВ, сек	35,4±2,6	45,6±3,0 +28,8% *p=0.0501	233,2±21 +558,8% *p=0.00024	45,6±3,0 +29% *p=0.0501	46,3±2,6 +31% *p=0.0314	55,3±4,6 +56% *p=0.0131	48±3,4 +35,6% *p=0.032

Эслатма: \* - асосий даражага нисбатан p<0.001 аҳамиятлилик даражаси

Тадқиқот натижаларига кўра, Сафинолнинг дозага боғлиқ таъсири борлиги аниқланди.

Сафинол 5 мг/кг дозада 15 дақиқадан сўнг протромбин вақтига (ПТ) таъсир қилмади, аммо қисман фаолланган тромбопластин вақтини (ҚФТВ) 2,4 марта оширганлигини кўриш мумкин. Сафинолнинг дозасини 10 мг/кг га ошириш, 15 дақиқадан сўнг фақат ҚФТВ 28,8% га сезиларли даражада ошишига олиб келди, 30 дақиқадан сўнг у ПТ вақтини 7 баробарга ва ҚФТВ ни 6,6 баробар камайтди. Бундан ташқари, ПТ таъсири 30-60 дақиқадан сўнг дастлабки натижага қайтди ва ҚФТВ ҳатто 4 соатдан кейин ҳам бошланғичга нисбатан 36,6% га сезиларли даражада ошганлиги аниқланди.

**Сафинол суртма дори воситасининг ўткир захарлилигини аниқлаш** эркак жинсли, тана вазни  $20 \pm 2,0$  г бўлган оқ сичқонларда олиб борилди. Сафинол препаратининг сичқонларда умумий таъсири ва ўткир захарлилигини ўрганиш ушбу препарат нисбатан зарарсиз бирикмаларнинг VI синфига мансуб эканлигини кўрсатди. Сичқонлар тери юзасига қўлланилганда, ўртача ўлим дозаси  $LD_{50} - 7000$  мг/кг дан юқори эканлиги аниқланди.

**Сафинол суртмасининг терапевтик таъсирини баҳолаш** каламушлар танасида ҳосил қилинган геморрагик лезёнларда (экспериментал тери ости гематомаси) такрорий қўллаш билан тажрибадан ўтказилди. Тажрибалар давомида Сафинол суртмасининг терапевтик таъсири Гепарин суртмаси билан таққослаб ўрганилди ҳамда юмшоқ тўқималарнинг геморрагик шикастланиши (ЮТГШ) қийматлари қайд этиб борилди (5-жадвал)

#### 5-жадвал

**Сафинол ва Гепарин суртмаларини каламуш терисининг юмшоқ тўқималари геморрагик шикастланишига терапевтик таъсири интенсивлиги (балл ҳисобида)**

Гр.	Препаратлар	Шикастланишдан кейинги вақт				Σ
		1 соат	1 кун	3 кун	6 кун	
1	Назорат	25 (2-3)	20 (2-3)	14,0 (0-3)	7,0 (0-2)	66
2	Сафинол суртмаси	24 (2-3)	18,0 (1-3)	10,0 (0-2)	0 (0-0)	52
3	Гепарин суртмаси	26 (2-3)	16,0 (1-3)	5,0 (0-2)	0 (0-0)	47

Реакция даражаси учун балл: 0 – кўкаришлар йўқ, 1 – заиф кўк, 2 – оч кўк, 3 – тўқ кўк.

Геморрагик шикастланишдан бир соат ўтгач, назоратдаги ҳайвонларнинг тери ости гематомаларининг интенсивлиги 10 та каламушда 25 бални ташкил этди. 3-куни 10 та ҳайвондан фақат биттасида кўкаришлар бўлмаган, бунда балл ҳисоби 14 ни ташкил этган бўлса, 6-куни 10 та ҳайвондан 4 тасида кўкаришлар йўқолганлиги кузатилди, умумий баллар йиғиндиси 7 ни ташкил қилди. Шу билан бирга, 6 кунлик кузатувдаги бал назорати 66 га тенг эканлиги аниқланди.

Сафинол суртмаси ва Гепарин суртмасидан терапевтик фойдаланиш гематоманинг шикастланиш (кўкаришлар) интенсивлигини пасайтирди. Шунга кўра, ушбу гуруҳларда 6 кунлик баллар йиғиндиси 52 ва 47 ни ташкил этди.

Каламушларнинг юмшоқ тўқималаридаги геморрагик лезёнларининг камайиш вақтининг (кунларда) ўзгариши кўрсатилган ва ўзгариш фоизи ҳисобланган. Шундай қилиб, Сафинол суртмасининг терапевтик таъсири

гематомаларнинг резорбция вақтини 1,34 мартага (\*p =0,008589), Гепарин суртмаси эса 1,52 мартага (\*p=0,001869) қисқартирди ва ўзгаришлар мос равишда -27,6±2,4 % ва -34,2±2,7 % ни ташкил этди.

#### 6-жадвал

**Каламушларда юмшоқ тўқималарнинг геморрагик шикастланишига ўрганилаётган дори воситаларининг таъсири (M±m; n=10)**

№	Ўрганилган препаратлар	Геморрагик жароҳатлардан сўнг тўқималарнинг тикланиш вақти, кун		
		кун	ўзгаришлар %	p
1	Назорат	7,6±0,5 (6-10)	0,0±0,0	
2	Сафинол суртмаси	5,5±0,5 (4-6)	-27,6±2,4	*p=0.008589
3	Гепарин суртмаси	5,0±0,5 (3-5)	-34,2±2,7	*p=0.001869

Эслатма: \* - назоратга нисбатан p-0.001 ишончлилиги

Сафинол суртмаси 10 марта қўлланилганда, каламушларда шикастланган геморрагик юмшоқ тўқималарнинг тикланиш вақтини сезиларли даражада қисқаришини кўрсатди.

Олинган натижалар Сафинол малҳамини ташқи фойдаланиш учун тўғридан-тўғри антикоагулянт сифатида веноз томирлар тромбофлебитининг олдини олиш ва даволаш учун самарали восита сифатида, гематомалар ва қон қуйилиши резорбция жараёнини рағбатлантириш ва тўқималарнинг шишишини камайтириш имкониятини исботлайди.

«**Материаллар ва тадқиқот усуллари**» деб номланган тўртинчи бобда диссертацияда қўлланиладиган реактивлар ва жиҳозлар, синтез қилинган Сафинол моддасининг физик-кимёвий хоссалари ва фармакотоксикологиясини ўрганиш усуллари ва унинг асосида ишлаб чиқилган юмшоқ дори шакли ҳамда унда қўлланилган физик-кимёвий усуллар ёритилган.

#### ХУЛОСАЛАР

1. Сафинол субстанциясини синтез қилиш шароитларини такомиллаштириш жараёнида реакцияни эритувчининг қайнаш хароратида, реакцион муҳит рН 1 тенг бўлганида шунингдек жараён давомийлигини ошириш мақбул эканлиги аниқланиб, бунда маҳсулотнинг чиқиш унуми 10% га ортиши кўрсатилди.

2. ЮССХ (HPLC) ёрдамида Сафинол субстанциясини таҳлил қилишнинг сифат ва миқдорий усули ишлаб чиқилди.

3. Илк бор Сафинол субстанцияси асосида антикоагулянт таъсирга эга бўлган ҳамда тромбоцитлар агрегациясини камайтирадиган ташқи қўллаш учун суртма дори воситаси тайёрланди ва ВФМ лойиҳаси ишлаб чиқилди.

4. Сафинол суртмаси кам захарли бирикмаларнинг VI синфига мансублиги, кумулятив таъсирга эга эмаслиги ва периферик қоннинг миқдорий таркиби ҳамда морфологиясига токсик таъсир кўрсатмаслиги аниқланди.

5. Сафинол суртмаси ташқи фойдаланиш учун тўғридан-тўғри антикоагулянт сифатида қўллаш имконияти, веноз томирларнинг тромбофлебитини олдини олиш ва даволаш, гематомалар ва қон қуйилиши резорбция жараёнини рағбатлантириш ҳамда тўқималарда шиш ҳосил бўлишини камайтириш учун самарали восита сифатида кўрсатилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019. К/В. 37.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИООРГАНИЧЕСКОЙ  
ХИМИИ**

---

**ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**НАЗАРОВ ГОЛИБ АБДИШУКУР УГЛИ**

**ИЗУЧЕНИЕ ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИХ И АНТИКОАГУЛЯНТНЫХ  
СВОЙСТВ САФИНОЛА, ОПТИМИЗАЦИЯ ТЕХНОЛОГИИ  
ПРОИЗВОДСТВА СУБСТАНЦИИ И СОЗДАНИЕ НОВОЙ  
ЛЕКАРСТВЕННОЙ ФОРМЫ**

**02.00.10 – Биоорганическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ПО ХИМИИ (PhD)**

**Ташкент – 2024**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером (B2019.3. PhD/K243) B2022.3. PhD/K243.

Диссертация выполнена в Институте биоорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Салихов Шавкат Исмаилович**  
доктор биологических наук, академик.

**Официальные оппоненты:**

**Гафуров Махмуджон Бакиевич**  
доктор химических наук, профессор

**Бобаев Исомиддин Давронович**  
доктор химических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Научно-исследовательский институт химии  
и фармацевтики Узбекистана**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12. 2019.K/B.37.01 при Институте биоорганической химии (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 71-262-35-40, факс: (99871) 262-70-63.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (зарегистрировано под № \_\_\_). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 71-262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 г.  
(реестр протокола рассылки № «\_\_\_» от \_\_\_\_\_ 2024 г).

**А.С. Тураев**

Заместитель председателя Научного совета по  
Присуждению учёных степеней, д.х.н., академик

**Н.Р. Хашимова**

Учёный секретарь Научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.б.н. 0 0 0

**М.Б. Гафуров**

Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению учёных  
степеней, д.х.н., профессор

## **Введение (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В мире антикоагулянты широко используются в профилактике и лечении тромбоэмболических заболеваний и создание высокоэффективных антикоагулянтных препаратов остается одной из актуальных задач. В настоящее время создание препаратов нового поколения, которые применяются против тромбоэмболических заболеваний, оказывающие целенаправленное действие, имеющие мало побочных эффектов на организм и имеющие пролонгирующее действие имеет важное значение

На сегодняшний день в мире для профилактики и лечения таких серьезных осложнений, как ишемический инсульт головного мозга, инфаркт миокарда, тромбоэмболия легочной артерии, тромбоз глубоких вен рук и ног, развивающихся в результате тромбоэмболии проводятся широкие научные и прикладные исследования по разработке современных методов при создании эффективных препаратов с улучшенными терапевтическими свойствами химиотерапевтических препаратов, уменьшению их побочных эффектов на организм, увеличению продолжительности действия. В связи с этим особое внимание уделяется исследованиям в таких направлениях, как разработка методов создания препаратов с высокой антикоагулянтной активностью, определение механизмов терапевтического действия и создание промышленных технологий их производства.

В нашей стране особое внимание уделяется разработке новых эффективных импортозамещающих лекарственных препаратов на основе местного сырья, обеспечению населения качественными лекарственными средствами. В Стратегии действий<sup>1</sup> по дальнейшему развитию Республики Узбекистан и Концепции<sup>2</sup> развития науки до 2030 года определены задачи «...увеличения производства в области фармацевтики...». В связи с этим является актуальной разработка биологически активных веществ с местными антикоагулянтными свойствами, проведение физико-химических анализов, а также создание на основе полученных веществ различных лекарственных форм, исследование их биологической активности и фармакологических свойств для использования в медицинской практике.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указе Президента Республики Узбекистан от 7 ноября 2017 года № УП-5229 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отраслью», Указе Президента Республики Узбекистан №

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 29 октября 2020 года № ПФ-6097 «Об утверждении концепции развития науки до 2030 года».

